

**ШАРТНОМА ШАКЛИ**  
8464 -сонли шартнома  
ЛОТ (168464)

Қорақалпоғистон

2022 йил " 9 " 11

МЧЖ "Ultramax Road Build" номидан низом асосида иш юритувчи Рахбар М. Миразизов бир томондан (бундан буён матида "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Жамоат хавфсизлиги хизмати Йул харакати хавфсизлиги бошкармасининг махсус эксплуатация-монтаж булими номидан низом асосида иш юритувчи Б. Исматуллаев, иккинчи томондан (бундан буён матида "Буюртмачи" деб юритилади) куйидагилар хақида мазкур шартномани туздик:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. "Бажарувчи" ушбу Шартнома иловасида кўрсатилган спецификацияга тегишли боладиган воситаларни (алохида жадвал асосида кўрсатилган) харид қилиш бойича энг яхши таклифларни танлаш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва хақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

1.2. Спецификация

2. №	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Товар сони	Бирлик учун бошланғич нарх	Бирлиги учун келишилган нарх ККС билан	Позиция учун келишилган сумма ККС билан
1	Машина Дорожная демаркировочная Бобр	дона	1	110 000 000	105 600 000	105 600 000
2	Graco Line Lazer V 3400 Серии Standart	дона	4	120 000 000	110 000 000	440 000 000
<b>Жами</b>						<b>545 600 000</b>

**II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
  - камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
  - баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
  - шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

3.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонуничликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

3.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четта чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

**III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 545 600 000 (Беш юз қирқ беш миллион олти юз минг) сўм, ККС билан

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

4.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисоб рақамига келиб тушган савадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

4.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### **IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ**

5.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

Махсулотни етказиб бериш муддати 15 иш куни аванс туланган кундан бошлаб.

5.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тўзилган кун деб ҳисобланади.

Ҳазначилик штампда кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

5.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

5.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

5.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш ҳудди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириб деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

5.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилмаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

5.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камидан бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

#### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдоридан жарима тўлайди.

6.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдоридан жарима тўлайди.

6.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

6.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида этказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

6.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида этказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

6.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

#### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

7.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

#### **VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

8.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгил бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

8.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

8.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

8.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг қўйлаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

#### **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ**

9.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устуликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

9.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

9.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совгалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асосиз устуликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлантириш;

- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, ammo Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

9.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

9.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қондаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини аниқлаш тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

9.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятта Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

9.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

9.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

9.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

#### IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

10.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

10.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

#### X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

11.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

11.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат Ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

11.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиди.

11.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

#### XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

##### БУЮРТМАЧИ

Коракалпоғистон Республикаси ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати Йул ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг махсус эксплуатация-монтаж бўлими

Коракалпоғистон Республикаси, Нўғусо шаҳри

Х/Р: 401010860354/2022-07-01

Банк: 445 а/нўғусо

МФО: 02215

Телефон: 61 251 33

Иш юритувчи: Б. Иметгулова



##### БАЖАРУВЧИ

МЧЖ "Ultramax Road Build"

Toshkent shaxri,  
Yunusabad rayoni, Chinabad, 85  
XR 2020 8000 5054 8217 1001  
AIBB "Ipak Yoli"  
Bank M: Ulugbek filiali  
MFO - 00421 OKED - 46730  
INN - 309 219 829



Рахбар: М. Mirazizov

Handwritten signature and blue rectangular stamp.



Т.Ибрагимов

« \_\_\_\_\_ » 2022-жыл

КР ИИМ ЖКХ ЖХКБ АЭМБ “Товар-материаллық запаслар ҳам ислерди (хызметлерди) сатып алыў бойынша таңлаў комиссиясы”ның ең жақсы усынысларды таңлап алыў бойынша откерилген

2022-жыл “ 9 ” 11 <sup>8464</sup> -санлы мәжлис баяннамасы

Нөкис қаласы

Қатнасыўшылар

(Ф.И.Ш)

(Лаўазымы)

Комиссия баслығы

Ш.Ургенчбаев

КР ИИМ ЖКХ ЖХКБ АЭМБ бас инженер

Комиссия ағзалары

А.Аминов

КР ИИМ ЖКХ ЖХКБ АЭМБ бас есапшысы

П.Убайдуллаев

КР ИИМ ЖКХ ЖХКБ АЭМБ саклаухана менгериушиси

Ж.Боранбаев

КР ИИМ ЖКХ ЖХКБ АЭМБ автотехника механиги

М.Торемуратов

КР ИИМ ЖКХ ЖХКБ АЭМБ ага инженер

### КҮН ТӘРТИБИ:

1. Таңлап алыў қатнасыўшыларының коммерциялық усынысларын (конвертлерин) ашыў.
2. Таңлап алыў жеңимпазын хәмде резерв жеңимпазын анықлаў.

КР ИИМ ЖКХ ЖХКБ Арнаулы эксплуатация монтаж болими - Таңлап алыў комиссиясы баслығы Ш.Ургенчбаев мәжлисте таңлаў комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлаў комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлаў комиссиясы хаткери таңлаў комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усынды:

Усы таңлап алыў бойынша Арнаулы эксплуатация монтаж болимине **Машина дорожная разметочная (ручная, фрезерная-ручная) сатып алыў бойыша** бюджеттен тыскары қаржылары есабынан жумысларды әмелге асырыў режелестирилген.

Усы таңлап алыў бойынша мекеменин бюджеттен тыскары қаржылары есабынан абаданластырыу жумысларын әмелге асырыў бойынша проект-смета жумысларын ислеу режелестирилген. Өзбекстан Республикасының 2021 жылдың 22 апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыўлар хақкында»ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ең жақсы усынысларды таңлап алыў откерилиўи хақкында арнаулы информацийон порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлаў қатнасыўшыларының қабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрәпинен жеке кабинети арқалы 2022 жыл 25-октябрь күни 168464-санлы лот жайластырылды. информацийон порталында 5 жумыс күни дауамында турды. Косымша белгиленген 2 жумыс күни ишинде хеш кандай арза шагым болмады.

Таңлап алыў бойынша қатнасыўшылардың усынысларын бахалаў 2 (еки) басқышта әмелге асырылыўи комиссия тәрәпинен келисип алынғанлығын мәлим етти.

Таңлап алыў усынысларын қабыл етиў басланыў мүддети:

25-октябрь 2022-жыл

Таңлап алыў усынысларын қабыл етиў тамам болыў мүддети:

01-ноябрь 2022-жыл

Таңлап алыў басланғыш суммасы:

590 000 000 сум

Усы мүддетке шекем өз усынысларын төмендеги қатнасыўшылар усынды:

№	Қатнасыўшылар хақкында мағлыўмат						
	Аты	СТИР	Мәнзили	Бенефициар Ф.И.Ш	Бенефициар СТИР	Шерик (учредитель) Ф.И.Ш	Шерик (учредитель) СТИР
1.	ЖШДЖ «Ultramax Road Build»	309219859	г.Ташкент, Юнусобадский район, ул.Чинабат-85	Миразизов Мирсардор Мирабос угли	473041074	Миразизов Мирсардор Мирабос угли	473041074
2.	ЖШДЖ «Geo-Vista»	307057643	г.Ташкент, ул. ул.Калхабат 168	Умаров Акмал Турапович	497373607	Умаров Акмал Турапович	497373607

1. Таңлап алыў қатнасыўшыларының коммерциялық усынысларын (конвертлерин) ашыў;  
Барлық қатнасыўшылардың усыныслары таңлаў хўжетлери талапларына муўапық мөрленген халда усынылған.

Таңлау комиссиясы тарапинен таңлап алыу қатнасыушыларынын усыныслары (конвертлери) таңлау хужжетлери хам техник талапларга мууапыклығы уйренилип шығылды.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыўлар ҳаққында”ғы Нызамы талапларына хәмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлаў комиссиясы

### Қ А Р А Р Е Т Е Д И :







1. Арнаулы эксплуатация монтаж болимине Машина дорожная разметочная (ручная, фрезерная-ручная) сатып алыу бойыша өткерилген таңлап алыўда таңлаў хўжетлеринде хәм таңлаў шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усынған ЖШЖ «Ultramax Road Build» 545 600 000,00 сум (ҚҚС пенен бирге) таңлап алыў женимпазы деп табылсын.

2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиў хуқуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, ЖШЖ «Geo-Vista» белгиленсин. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған мугдарда шәртнама дүзиў мүмкинлиги белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына муўапық таңлаў қатнасыўшыларының усынысларын көрип шығыў хәм баҳалаў мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын қабыл етилсин.

4. Мекеменин бас есапшысы – А.Аминовка таңлап алыу жуумагы бойынша расмийлестирилген баянламаны белгиленген тартипте тастыйыкланнан сон сатып алыуларынын арнаулы информацион системасына талкылау ушын 2 (еки) жумыс кунине жайластырыу тапсырылсын.

5. Таңлау комиссиясы хаткери К.Алламуратов, усы таңлап алыу тийисли барлық хужжетлерди белгиленген тартипте саклануын тамийнлесин.

<u>Қатнасыўшылар</u>	<u>Имзасы</u>	<u>(Ф.И.Ш)</u>	<u>(Лаўазымы)</u>
Комиссия баслығы		Ш.Ургенчбаев	Бас инженер
Комиссия ағзалары		А.Аминов	Бас есапшысы
		П.Убайдуллаев	Саклаухана менгериушиси
		Ж.Боранбаев	Автотехника механиги
		М.Торемуратов	Ага инженер
Хаткер		К.Алламуратов	Экономист